



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 9 февраль, № 28 (7258)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд тогган кун

БУЮК ШОИР ДАҲОСИ

Алишер Навоий мероси бамисли жўш урган уммон. Унинг теранлиги чексиз, дуру жавоҳирларга лиммо-лим. Қарийб олти асрдан буён инсоният бу мавжи беқиёс хазинадан баҳраманд бўлиб, камолот чўққиларига интилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда иқтисодий тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқий қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шунни кўрсатдики, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самарасизлиги, идораларро мустақам ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек, патент божлари ва тўловларининг юқори даражада эканлиги ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ушбу соҳадаги умумэтироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш соҳасидаги фаолиятни қониқарсиз деб топилин.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта номлансин.

Белгилансинки:

Агентлик, шу жумладан, Интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари — директор бошчилик қилади;

Агентлик директорининг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

3. 2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки,

товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг Агентлик бир иш куни мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади;

ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ёки уларнинг вакиллари талабномалар эълон қилингандан сўнг Агентликка рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги эъза эътирозларини тақдим этишлари мумкин;

товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлақ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи (кейинги ўринларда — товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда жойлаштирган ҳолда Товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вуждга келади;

товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўнгги уч йил мобайнида узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек, жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахонинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида мuddатидан аввал тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро шартномалар ҳамма учун очик бўлади

Бугунги кунда Ўзбекистон 200 дан ортиқ универсал халқаро шартномаларга қўшилган. Давлатимиз иштирокида 4300 та икки томонлама шартнома имзоланган. Мамлакатимиз мазкур халқаро ҳужжатларга риюя этиш бўйича зарур норматив-ҳуқуқий асослар ва ташкилий-институционал шароитлар яратиш мажбуриятларини ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон олиб бораётган замонавий ташқи сие-сат, соҳада тўғридан-тўғри ижрога йўналтирилган ҳужжатни қабул қилиш зарурати "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишига сабаб бўлди.

Мазкур Қонун, биринчидан, бизнинг халқаро шерикларимиз, хоржилик ҳамкорларимиз билан ишончли янада мустақамлайди. Улар билан имзолаётган ёки келишаётган битимларимиз,

шартномаларимиз сифатини юқори босқичга кўтарди ва амалда ўз вақтида бажарилишига хизмат қилади.

Амалиётда халқаро шартномалар тоифасига кирмайдиган ҳужжатлар ҳам тузилади. Давлат раҳбарларининг қўшма баёноти ҳамда декларациялари, икки томонлама ҳамкорлик режалари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир. Айни сабабдан ушбу Қонунга бундай ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақомини белгилоччи ало-

Буюк шоир асарларини қанчалик ўргансак, тадқиқ этсак, уларнинг миқёси шунчалик кенглигини, мазмунан кўламдорлигини англайверамиз. Шу маънода "Абдиат гулшани" саҳифаси орқали сиз, азиз ўқувчиларни улуг бобомизнинг бадиий закосига ҳамнафас этишга жазм қилдик. Зеро, улуг мутафаккир тараннум этган комиллик, одабийлик, адолат, виждон, имон, эътиқод, камтарлик, илм-маърифат, ор-номус, ҳаё, одоб-ахлоқ каби эзгу гоғлар замон ва маконидан қатъи назар, абадиёт тузуги янглиғ баралла янграйверади.

4-саҳифага қаранг.



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТЎСИҚЛАРГА УЧРАЯПСИЗМИ? УНДА ВАКИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Одамлар билан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз фаолиятида ушбу масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Мисол учун, республикамизнинг барча ҳудудда 45 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Уларда тадбиркорларни қўйнаётган 4 мингдан зиёд муаммолар аниқланиб, бартараф этилди. Аммо бу билан чекланмасдан, ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ислохот

Шу ўринда айтиш жоиз, бундан икки йил аввал таъсис этилган Вакил тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, улар фаолиятини ривожлантириш ва ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида давлат сие-сатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ҳақ исботи билан, деганларидек, айрим мисолларни келтирсак. Масалан, Бухоро вилоятидаги "Beta algorithm" қўшма корхона томонидан сотиб олинган бинога нисбатан битимлар, кадастр ҳужжатлари ва ҳоким қарорлари суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилганидан норози бўлиб қилинган муурожаат ўрганиб чиқилди. Муурожаатда қайд этилганидек, ўрганиш жараёнида биринчи инстанция

суду томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганини аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Вакил фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг кассация инстанциясига бу ҳақда эъза фикр киритди. Натижанда суд томонидан хоржиқ инвесторнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Учрашувларда баъзан тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қийналаётгани маълум бўлмоқда. Шу боис бизнес вакилларига қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вакил девонида "Вакилнинг ишонч телефони" ва Вакил сайти орқали "Вакилга электрон муурожаат" тизимлари жорий қилинди. Ўтган йилда Вакил девонига 1 237 нафар тадбиркор муурожаат қилган ва улар

кўтарган масалаларнинг 41 фоизи ижобий ҳал этилган.

Мисол учун, Мирзо Улугбек туманида фаолият юритувчи "Эгиз" масъулия-ти чекланган жамиятининг давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олинган мулкни ўрнига ер ҳамда компенсация тўлови тўлаб берилмаётганидан норози бўлиб қилган муурожаати бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза киритилди. Ушбу кўрсатилган таъсир чораси асосида жавобгарлардан "Эгиз" МЧЖ фойдасига 1,9 миллиард сўм компенсация тўловларини ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди.

Шунингдек, Вакил томонидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан давлат органларига жами 41 тақдимнома, муурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича 18 та ҳулово, қўнун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан 18 та огоҳнома, тадбиркорлар манфаатида судларга жами 13 миллиард сўмдан ортиқ давъо аризаси киритилди.

Натижанда 35 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чораси кўрилди, шундан 4 нафари эггаллаб турган лавозимдан озод этилди, тадбиркорларга жами 14,3 миллиард сўм миқдордаги маблағлар қайтарилиши таъминланди.



Реал вақт режимида ишлайди

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишида 30 дан ортиқ хоржиқ давлатлар, шунингдек, халқаро шартномалар соҳасидаги энг асосий ҳужжат бўлиб хизмат қиладиган 1969 йил 23 майдаги Вена конвенциясининг асосий нормалари имплементация қилинди. Халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисмига айланди.

Ушбу Қонуннинг бошқа давлатларда учрамайдиган алоҳида жиҳати борки, унда

Қонун кучга кирди

Бундан ташқари, эндиликда давлат томонидан имзоланган ҳужжатлар ҳамма учун очик бўлади ва қонунийлик миллий базасида эълон қилинади. Мазкур ҳужжатларда белгиланган бандлар юзасидан масъул вазирликлар Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда шарҳ ҳамда таҳлил бериши мумкин.

Раҳматилла НАЗАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

халқаро шартномаларнинг ижросини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши белгиланди. Шунинг баробарида, барча идоравий, меъриий тусдаги ҳужжатлар аниқ реал вақт тизимида уланади. Уларнинг ижросини юқори мониторинг олиб бориш ёки вақт ўтгани сайин ўз кучини йўқотиб борадиган ҳужжатларни аниқлаш ёхуд келгусида ҳам ўз кучида қоладиган ҳужжатлар-

ни саралаш имконини беради. Ўзбекистон Республикасининг инвентаризация қилиш учун алоҳида моддалар киритилганини эътироф этиш жоиз.

Қонундаги янги моддага кўра, давлат органлари ўз ваколатига тааллуқли халқаро шартномалар қондаларини қўллаш бўйича тушунириш беришлари белгиланган. Бу қабул қилинаётган ҳужжатларнинг самарали ижросини таъминлаш ҳамда ижро масъулиятини кучайтиришга ёрдам беради.

Ўз навбатида, ижро билан боғлиқ барча жараёни тартибга солиш мақсадида

мониторинг олиб бориш институти татбиқ қилинди. Халқаро шартномаларнинг бажарилиши устидан мониторинг қилиш Ташқи ишлар вазирлигига юклатилди.

Умуман айтганда, мазкур Қонун халқаро шартномалар ижросини таъминлашда тизимли ёндашуви белгилаб беради. Бу давлатимиз олган мажбуриятларни юқори даражада бажариш, вазирлик ва давлат идораларининг бу борадаги ижро масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Акмал УМИРЗОҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



Давра суҳбати

Ўзбекистон — Германия: Маданий-гуманитар ҳамкорлик қай даражада ривожланади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хоржиқ мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида шу масала ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Бинобарин, жорий йил январь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикаси-га расмий ташрифи ва унинг якуни бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинган мазкур йўналишдаги ишларга янги суръат бағишлади.



ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДА МУТЛАҚО ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Мамлакатимиз энергетика соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда қатор муаммолар мавжудлиги ислохотларни самарали амалга ошириш ҳамда инновацион ривожланишга салбий таъсир кўрсатаётгани аниқ ҳақиқат. Яъни бу тизим ўзгаришга, янгилашга муҳтож. Шу маънода,

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу кунгача юртимиз энергетика тизимида, киёсий айтганда, "давлат ичида давлат" мақомига даввогар бўлган учта йирик ташкилот — "Ўзбекэнерго", "Ўзбекнефтегаз", "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятлари фаолият олиб боради. Айнан ана шу учта гигант бошқа соҳаларга табиий газ, электр энергияси, кўмир сингари ресурсларни етказиб беришга масъул эди.

Ҳўш, улар бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладими?

Маълумотларга кўра, хоржирги пайтда юртимизда қазиб олинаётган кўмир ва табиий газнинг 15 фоизи,

ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 20 фоизи аҳолига етказиб берилмоқда. Агар сўнгги 27 йил ичида мамлакат аҳолиси сони 22 миллиондан 33 миллион нафарга ўсганини эътиборга олсак, афсуски, табиий газ ва кўмир қазиб олиш, электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича мутаносиб равишда кўпаймаган. Оқибатда энергия ресурсларини етказиб бериш реал эҳтиёжлардан 15 — 20 фоиз ортда қолиб кетмоқда. Бу узоқ йиллар давомида энергетика соҳасидаги ишларга тизимли ёндашилмаганини аналатади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун такдим этиладиган талабномаларни фақат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар лойиҳаларини киритсин.

5. Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб патент вақтлари ҳар беш йилда камида бир марта кейинчалик аттестациядан ўтказилган ҳолда интеллектуал мулк соҳасида ўз малакаларини оширишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой мuddатда илгор таълим стандартлари ва технологиялари ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг ўқув ва илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк

соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги "Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5446-сонли Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига "хуфийна иқтисодий" шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт махсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйиш функциялари юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ҳаммага маълум товар белгиларининг ноҳалол рўйхатдан ўтказилишини аниқлаш нуктаи назаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган барча товар белгиларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва қонун талаблари бузилган ҳолда берилган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш чораларини кўрсин;

интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин.

8. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона

қўмитаси, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар куйидагиларни таъминловчи интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий аниқлини борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

хуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиб бориш; интеллектуал мулк объектлари хуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлганда уларни автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш ва чиқариш; интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда интеллектуал мулкнинг ишончли хуқуқий ҳимоясини, шу жумладан, Мулк хуқуқини ҳимоя қилиш халқаро индекси мезонларини инобатга олган ҳолда таъминлашнинг замонавий баҳолаш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш бўйича Комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда 2020 йил 1 январдан бошлаб интеллектуал мулк соҳасидаги интеграция жараёнини

инобатга олган ҳолда патент божлари ва тўловларини, шунингдек, норезидентлардан товар белгиси ва саноат намунасининг хуқуқий муҳофазасини бериш учун ундирилган индивидиал бож ставкаларини босқичма-босқич камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Агентликнинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, шунингдек, ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 8 февраль

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДА МУТЛАҚО ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

— Асосий муаммолардан яна бири давлатнинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги ташкилотлар фаолиятига аралашуви жуда юқори даражада бўлганидир, — дейди "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Улугбек Саидов. — Бу ёқилғи-энергия корхоналарида чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича маълум қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Дарҳақиқат, соғлом рақобат муҳити йўқлиги, давлат ва тижорат манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар, тарифларни тартибга солишнинг инвестиция сиёсати билан уйғун эмаслиги сармоёлар кириб келишига салбий таъсир қилди. Оқибатда соҳани технологик янгилаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Технологий эскирди. Энергия тежовчи замонавий ускуналар ўрнатилмади. Бу, ўз навбатида, энергия ресурсларини етказиб бе-

ришда катта йўқотишларга сабаб бўлди. Хисоб-китоб интизоми бузилди. Қисқаси, тизим барқарор ривожланмади.

Энди вазият ўзгаради. Чунки энергетика тармоғини тубдан ислоҳ қилишга астойдил киришилди. Фармон асосида тармоқни жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди.

Янги вазирлик ёқилғи-энергетика тармоғида ягона давлат сийкати ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади. Электр ва иссиқлик энергияси ҳамда кўмир ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, шунингдек, нефть ва газ қазиб олишдан тортиб, уларни қайта ишлаш, етказиб бериш, тақсимлаш, сотиш ҳамда фойдаланишга бўлган барча жараённи тартибга солади. Соҳага инвестициялар, айниқса, хорижий сармоёларни жалб қилишга катта эътибор қаратилади.

Вазирлик таркибига Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, Нефть махсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг "Энергия тежаш миллий компанияси" акциядорлик жамияти эса тугатилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни ҳам имзолади. Қарорга асосан, вазирликнинг ташкилий тузилмаси, унинг штат бирликлари, вазирнинг ваколатлари тасдиқланди. Янги тузилма ходимлари, унинг таркибига қираётган ташкилотлар моддий таъминоти масалалари акс эттирилди.

Бундан ташқари, қарорга асосан, вазирлик хузурида Ёқилғи-энерге-

тика тармоғини ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил қилинади.

Яна бир муҳим жиҳат. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича комиссия тузилган эди. Бундан буён Комиссия зиммасига вазирлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам юклатилмоқда.

Вазирлик эса Комиссия билан келишган ҳолда, 2019 йил 1 мартга Жаҳон банкнинг техник кўмағида электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш (реструктуризация) моделларини ишлаб чиқади ва тақлиф этилаётган ислохотларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни тайёрлайди.

Шунингдек, 2019 йил 15 мартга бўлган мuddатда электр энер-

гиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил қилишнинг замонавий шаклига мос равишда "Ўзбекэнерго" АЖ ҳам реструктуризация қилинади.

2019 йил 1 апрелга бўлган мuddатда эса бошқаруving самарасиз тузилмаларини мақбуллаштириш, нефть ва газ соҳаси корхоналарини фаолият йўналишидан келиб чиқиб қайта ташкил қилиш ҳамда уларни ривожлантиришга хусусий секторни жалб этиш мақсадида "Ўзбекнефтегаз" АЖ ҳам қайта ташкил қилинади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2019 йил 1 майгача Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди.

Умуман, мазкур ҳужжатлар асосида самарали бошқарув жорий қилинади, ягона технологик, иқтисодий, молиявий сиёсат юритилади. Энг асосийси, соҳада рақобат муҳити пайдо бўлади. Рақобат бор жойда эса тараққиёт бўлади.

Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-технология мультимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТЎСИҚЛАРГА УЧРАЯПСИЗМИ? УНДА ВАКИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Бизнес вакилларининг ҳуқуқлари ҳимоясини чет элда ҳам ишончли таъминлаш жуда муҳим. Шу боис хорижий давлатларнинг мутасадди ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш, чет давлатларда

салоҳиятли сармоядор билан музокаралар олиб борилиб, қиймати 88,5 миллион АҚШ долларлик инвестициявий лойиҳалар тайёрланди.

Қисқаси, юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга қулай имконият яратиш ҳамда имтиёзлар бериш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, муҳими, ҳуқуқ ва қонуний манфаат-

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКИЛ ТОМОНИДАН

(2018 йил)

✓ Тадбиркорларни қийнаётган 4 мингдан ортиқ муаммолар аниқланиб, бартараф этилди.

✓ Вакил девонига 1 237 нафар тадбиркор мурожаат қилган ва улар кўтарган масалаларнинг 41 фоизи ижобий ҳал этилди.

✓ Тадбиркорларга 14,3 миллиард сўм миқдоридagi маблағлар қайтарилиши таъминланди.

✓ Хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 21 нафар салоҳиятли сармоядор билан музокаралар ўтказилди, қиймати 88,5 миллион АҚШ долларлик инвестициявий лойиҳалар тайёрланди.

лари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уни ишончли қафолатлаш зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифадир.

Дилмурод ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Тиббиётда сифат жуда муҳим, бунинг учун малакали кадрлар керак

Ислохот ижроси сўзда эмас, амалда таъминлансагина, қўзланган натижага эришилади. Мамлакатимизда кечаётган бугунги янгиланишлар жараёнини таҳлил қилсак, ана шу жиҳатга асосий эътибор қаратилаётганини кўрамиз.

Депутат фикри

Биргина тиббиёт йўналишини олайлик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу соҳани ривожлантириш, аҳолининг тиббий хизматлардан розилигини таъминлаш ишларига парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари жалб этилмоқда. Тўғри, тизимда қилинаётган амалий ишлар билан бир қаторда, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, патронаж хизмати, кадрлар танқислиги, тиббиёт муассасаларининг замонавий тиббий анжомлар билан таъминланганлик даражасига алоқадор муаммолар бор.

Шу каби камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, бу борада олиб борилаётган савий-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти ва депутатлари,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат таркибда тузилган Республика ишчи гуруҳи томонидан аяқинда Наманган вилояти тиббиёт тизими ўрганилди ва таҳлиллар ўтказилди.

Ўрганиш давомида вилоятнинг барча туманида уйма-уй юрилиб, тиббий текширувлар ташкил этилди. Хусусан, 720 нафардан ортиқ оғир сурункали касалликка чалинган ва эҳтиёжманд оилалар аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилиб, улардан 685 нафарига амбулатор, 37 нафарига вилоят ва республика муассасаларида даволанишга йўланмалар берилди.

Бу жараёнда вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси ҳолати, асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси

ва улардан самарали фойдаланиш, кадрлар таъминоти ҳамда салоҳиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Камчиликларни бартараф этиш мақсадида аниқ мuddатли, масъул ижрочилари ва молиявий манбаси белгиланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида тасдиқланди.

Хар қандай соҳанинг ривожланиши, биринчи навбатда, маблағга бориб тақалади. Шу жиҳатдан қараганда, 2019 йилда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимига 161,5 миллиард сўм ва 18,3 миллион доллар йўналтирилди.

Албатта маблағ ажратилганда, янги тиббиёт муассасалари барпо этилиб, мавжудлар зamon талаблари асосида ривожлантирилади. Демак, энди сифатга кўпроқ эътибор қаратилмоқчи лозим. Дарвоқе, сифат хусусида гап кетганда, хусусий сектор фаолиятини ҳам тилга олиш жоиз. Жорий йилда вилоятда жами 20 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилиш, мавжуд 12 тасининг фаолиятини кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўрганишлар давомида кадрлар масаласи ҳам биз, депутатларнинг эътибори-

мизда бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тизимдаги тиббиёт муассасалари учун ажратилган 7222 штат бирлигида 4592 нафар шифокор ишлайди, бандлик даражаси 6500 дан зиёддир ёки 90,1 фоизни ташкил этади. Бўш штат бирликларини малакали мутахассислар билан тўлдириб борасида ҳам амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тизимдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида Наманган вилоятнинг хар бир туманида биттадан фуқаролар йиғинида Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Мақсад инсон саломатлигини мустақамлаш борасида тизим мутасаддиларининг ҳам масъулиятини оширишдан иборат бўлди.

Вилоятлар кесимида ўтказилаётган бу каби ўрганишлар, албатта, ўз самарасини беради.

Комилжон ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Санъатни саноатга айлантирмоқчи бўлаётган «ижодкорлар» танқид қилинди

Бугунги кунда миллий эстрада санъатида яратилаётган кўшиқлар ва клипларнинг гоёвий-бадий савияси кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама этилмоқда. Санъатдан кўра даромад манбаига айлантирилган баъзи ижодий ишлар ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда танқид остига олинган.

Анжуман

Шу ўринда савол туғилади: мутасадди идоралар ушбу ҳолатга нега бефарқ? Агар бефарқ бўлмас, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қандай ишлар олиб боришмоқда? Кўпчиликни қизиқтирган ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан пойтахтимизда "Миллий эстрада санъатининг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Маданият вазирлиги, "Ўзбеккон-

церт" давлат муассасаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси мутасаддилари қатнашган тадбирда миллий эстрада санъатини ривожлантиришда амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган янги кўшиқлар ва клипларнинг гоёвий-бадий савияси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг лицензия бериш тартиби, ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган санъаткорлар, ижодий гуруҳларга қўйилаётган чоралар ва уларнинг самарадорлиги ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хузуридаги Бадий кенгашга ўтган йилнинг яку-

нига қадар санъаткорлар томонидан 185 та видеоқлип такдим этилган. Шундан 75 таси тасвирида жузъий камчиликлар учрагани сабабли қайта ишлашга тавсия қилинган. 48 та видеоқлип умуман талабга жавоб бермагани учун рад этилган. Қўйилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳамон энгил-епли кўшиқлар ҳам яратилиб, концертларда ижро этилаётгани, эфирга узатилаётгани, ёш хонандалар тезроқ танилиши, шон-шуврат орттириш мақсадида, замонавий тил билан айтганда, "хит" қўшиқ яратилган деб, бўлар-бўлмас клиплар ишлаётгани, мазмунан савё шёвр ва матн танаб, кўшиқ қўйилаётгани анжуманда жиддий танқид қилинди.

Шуни айтиш лозимки, жорий йилда концерт-томоша фаолиятини лицензиялашни табақалаштириш ишлари такомиллаштирилди ҳамда лицензия ва бир марталик рухсатнома беришнинг онлайн тизимига ўтилади. Келгусида хонандалар иштирокида ўтказиладиган концерт дастурлари ҳам 30 фоиз хонли ижрода бўлиши кўзда тутилган бўлиб, хозирги кунда қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Кизгин руҳда кечган анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддиларидан жавоблар олишди.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Германия: Маданий-гуманитар ҳамкорлик қай даражада ривожланади?

— Асосий муаммолардан яна бири давлатнинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги ташкилотлар фаолиятига аралашуви жуда юқори даражада бўлганидир, — дейди "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Улугбек Саидов. — Бу ёқилғи-энергия корхоналарида чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича маълум қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда Германия олий ўқув юртлири филиалларини очиб ва халқларнинг маданий алоқаларини мустақамлаш масалаларини кўриб чиқилди.

Хозир Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд этник немислар яшайди. Уларга миллий маданият ва қадриятларини ривожлантириш учун барча шароит яратиб берилган. Хусусан, Ўзбекистонда немис маданияти маркази фаолият юритаяпти. Мазкур марказ раҳбари Елена Миронова-Берлинда Ўзбекистон маданий мероси тақдимоти доирасидаги концертда нафақат немис, балки ўзбек халқ рақслари ҳам ижро этилди. Бу ҳам дипломатик корпус, ҳам Бундестаг, ҳам ишбилармонлик доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Айни пайтда Ўзбекистондаги асли келиб чиқши немис бўлган rassomлар ҳақидаги китоблар нашр этишга тайёрлаб қўйилди. Илм-фан соҳасида мамлакатимизнинг "Ўзбекистон мисолида кам самарали буғ турбинали иссиқлик электр станцияларини кам чиқитли кўш гибрид электр станцияларига айлантириш учун кўш энергиясидан оптимал фойдаланиш" лойиҳаси бўйича Дрезден техника университети билан ҳамкорлик янги раванқ топаётди. Таълим ва тадқиқот федерал вазирлиги "Ўзбекистонда қуёшни тадқиқ қилиш" лойиҳасини молиялаштиряпти.

Анжуман қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг Германияга таширифи чоғида илгари сурган ташаббуслари ва таклифлари ижросини таъминлашга алоҳида урғу беришди.

С. МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).



Абадмоят гулшани



Улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Алишер Навоий ҳикматлари

- Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.
- Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.
- Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.
- Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий, Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.
- Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот, Ажаб соадат эрур чиқса яхшилик била от.

УЛУҒ ШОИРНИНГ ОРЗУЛАРИ БУГУН РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

Алишер Навоий туркий ва форсий адабиётнинг қадимдан то ўзи яшаган давригача бўлган ютуқларини тажрибаларига тула муассамлаштира олган. Шу боис унинг сўз, туйғу ва маъно тасвирлари ўқувчи кўнглига ўзгача таъсир ўтказиб, жонли таассурот уйғотади.

К узатув

Навоий асарларини ўқиган ҳассос одам ўзи истасин-истамасин, ҳақиқат мушоҳадасига кучли майл сезади ва олам воқеа-ҳодисотларини чуқур англашга интилади. Энг муҳими, шеърон суратдан кўра сират сир-асрорига кўпроқ қизиқади. Ва табиий равишда қомиллик тарихи томон одимлагиси келади. Шунда унинг кўз ўнгига икки муаззам йўл очилади. Булардан бири, Ҳақ йўли, иккинчиси, халқ йўли. Навоий бу йўллари бир-биридан ажралмаслиги ва ажратиб бўлмаслиги, Ҳақ ишқи халқ ишқини ҳар қандай шароитда ҳам қувватлантирагани бехато кўрсатиб берганлиги билан ҳам буюқдир. Ҳеч шубҳасиз, Навоий сабоқларини англаган кишининг ботини ишқ нури, маърифат зийбасидан равшанлашади. У тарихий-маданий бир туйғу билан инсонийлик мартабаларига юксалтирадиган асосий тушунчани устида фикр юртади. Навоийнинг:

**Рухингга сийҳат ўлса малойил ўлур сипоҳ,
Нафсингга қувват ўлса шайтин бўлур табаъ.**

Яъни: соғ, эркин, қувватли руҳ измида яшасанг, малаклар ҳам сеннинг навақарингга айланади, агар нафсингга таслим бўлсанг, ҳаммадади ва ҳамнафасинг фақат шайтон бўлади сингари ҳулосаларига таяниб, башарий ўзгичликни тафтиш этишга жажд қилади. Бу энди инсоннинг ўз маънавияти ва қурашчан шахсини шакллантиришдаги энг мардона қадамидир.

2016 йил Ўзбекистон Президентлигига номзоди шайланган Шавкат Мирзиёев Нуротдаги сайловолди учрашувида: “Навоийни ўқиш, Навоийни англаш, Навоийни чуқур билиш — ўзгичимизни англаш” эканлигини таъкидлаб, хур таваққур ва маърифат билан ҳал қилинадиган жуда долзарб, аммо қийин масалага ургу берганди. Шу маънода Навоийнинг:

**Ўз вужудингга таваққур айлағил,
Ҳар не истарсен ўзингдин истағил,**

байтини эслабди ўтмоқчимиз. Бундоқ қаралганда, байтнинг маъноси оддий. Балки шунинг учун ўзлик хусусида сўз юритган айтарли ҳар бир навоийшунос уни хотирлайди ва ўзича таҳлил ҳам қилади. Аслида ана шу биргина байтнинг маъноси чаккиш, ўзлик борасида билиш ва эришиш зарур бўлган асосий ҳақиқатларни қамраб олган. Биринчи мисрадаги “вужуд”нинг истилоҳий маъноси мавжудлик, яъни дунёга келишдир. Шоир ўзгичлигига тегишли таваққурини шундан, шу ҳодисадан бошла деб қаради. Дунёга қандай келдинг, нега келдинг, нега яшаётирсан?! Бу саволларга баҳоли қудрат жавоб тоғанч, вужуд қалимасининг навабдаги “қатлам”лари мушоҳадасига уринилади. Булар: ахлоқ ва нафс тарбияси, қалб ва руҳ тасвири, таҳайюл ва таваққур қамоли, айтиш қандай осон. Бирок бунда маърифат касб этмасдан олдинга бир одим ҳам илғирлаб бўлмаганидек, ўзига суяниш, Навоий айтолмики, ҳар не истаса ўзидан исташ, давр ва замонга очик нигоҳ билан қараш чегарасига яқин бориш мушкул.

Ҳақондаги қанчадан-қанча эллар, эллар қатори ўзбек халқи ҳам сийсий зулм, иктимойи зуворонлик ва ҳар турли ҳуқуқсизликдан кўл жабр кўриб, тўхтовсиз алам тортган. Акс ҳолда юрт дарди, халқ гамида қуйиб-ёнган Навоий:

**То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтоқ ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас,**

деган ҳикмати ўз мисралари қатига жойламасди. Президентимиз жорий этган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя ва шу асосда яратилган тизим асарлардан асарларга ўтиб келаётган ана уша зулм ва бедодликнинг илдирига болта урма, десак ҳақ бўлмас. Бугун давлат идоралари ҳодимлари уйма-уй юриб, одамларнинг муаммоларини ўрганмоқда, раҳбарларга инсонлар дарду таъшиларини қанчалик енгиллаштира олгани, ҳақиқат ва адолат таъминини асосида фаолият юритаётганига қараб баҳо берилади. Зулм ва зуворонликка қарши курашда сўзини қилиш, кўксини қалқон қилган Навоийнинг энг улуғ орзуларидан бири, эҳтимол мана шу бўлгандир.

Илим-фан, маърифат, ижод ва таълим-тарбияда ҳам, ҳаётни англаш, турмуш қийинчиликларини енгил ва яратувчанликда ҳам Навоий мероси суянган тоғимиз, инонган боғимиздир. Унга қанча кўп суяниб, уни руҳан қанча теран ўзлаштирсак, дунёни билиш, инсонни таниш, Ҳақни севиш имкониятимиз шунча кенгайди. Академик шоир Гафур Ғулום асарлар, насиллар, давр ва салтанатларни ортада қолдириб келган Навоийнинг қудратли ва маҳобатли овозини “юксак тоғ оралаб ўқирган шернинг” нафрасига тенглаштирган эди. Бугун кўпчилик, ҳатто энг мудроқ, мазлум, кўроқ кимсалар ҳам шу овоз, шу асрий садони тинглашга интилаётгани кишини қувонтиради.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори, профессор.**



“Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтувтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас”.

Заҳириддин Мухаммад БОБУР

“Мир Алишер турк тилининг ўлик жасадиға Масиҳ нафаси ила жон ато этди”.

Хусайн БОЙҚАРО

“Амир Темур тузган давлат Александр Македонский руҳини қайта тиклагандай бўлди. Фақат бу қайта тикла-ниш маданий соҳада Ренессанс шаклини олади ва Алишер Навоий “Хамса”сида ўз мугжасамини топади”.

**Николай КОНРАД,
академик.**



Дунё, унинг моҳияти, қиммати, ҳийла-найранглари, ҳар тусга кириб инсонни йўлдан уриши, унга кўнгли боғлаш хато эканлиги, чунки ошқ бўлган бир умр ҳаловат нималигини билмай елиб-югуриб, ғаму қайғу чекиб, охир-оқибат пушаймонликда қолиши билан боғлиқ байтлар Навоий ижодидида кўп учрайди.

ОСОЙИШ ИСТАР ЭРСАНГ...

Бу борадаги фикрларини у ҳар гал янги, оҳорли ва кутилмаган тинсолу ташбехлар воситасида гўзал ва таъсирчан ифода-лайди. Чунончи:

**Дунёдин ўт, Навоий, осойиш истар эрсанг —
Ким, шугл ҳар неча кўп, юз онча ғам турбутур.**

“Эй Навоий, жонинг оусда бўлишини иста-санг, бу дунёнинг бахридан ўтки, унга қанча кўп машғул бўлсанг, ўзи баробар ғаму ташвиш олдиндан чиқаради”.

Ниҳоятда ҳаётий ва ҳеч қачон ўз аҳамияти-ни йўқотмайдиган фикр. Тўғрими? Чиндан ҳам, тирикчилик ҳою ҳавасларига қанчалик кўп берилсанг, у сизни шунча кўп ўз домига тортиб кетади. Ҳаёт кувончу ташвишлари ҳеч қачон тугамайдигина эмас, қамаймайди ҳам: бирини ҳал қилсангиз, иккинчиси, иккинчисини амал-ласангиз, учинчиси чиқиб тураверади ва шу тарика умрингиз охиригача уларнинг окими ҳамда босими қамаймайди. Халқ таъбири билан айтганда, фақат қабрга кириб тинчиди киши бу дунёнинг ғаму ташвишларидан.

“Дунё” деган шеърда Абдулла Орипов ҳам молу дунё кўйига тушган кимсаннинг фожиаси-ни кўрсатиб берган. Бойлғи жонига оро кирмаган шўрпешона ночор ажалга тан берар экан: “Дунё шу экан-да”, дейди алам билан чўқур хўрсиниб. Кўп қатори уни ҳам мазорга элтиб қўмадилар.

**Уюм тупроқ бўлди қувончу ғами,
Кимдир боқиб деди: “Шунга шунчами...”** —

дея ҳулосалайди шеърини шоир. Чиндан ҳам, тугилиш ва ўлиш чегараси маълум экан, бир марта берилган умрни мақсадга

мувофиқ яшаб, пушаймонга ўрин қолдирмаслик пайдидан бўлиш керак.

Албатта, инсон умри хатолар, адашишлар, йўқотишлар сил-силасидан иборат. Шунинг учун ҳам Шайх Саъдий: “Қани эди, инсон икки марта умр берилсаю, бирда тажриба ҳосил қилиб, қилган хатоларингдан ҳулоса чиқариб, иккин-чисида ўзинг хоҳлагандай ҳатою адашишлар, йўқотишу қулфатлардан холи мазмунли, хуш-хурсанд умр кечирсанг!”, деган аламли армон-лар билан ширин орзуларга берилади.

Умрини илм олиш, саёҳат қилиб, дунёни кўриш ва ўқигану қўрганлари юзасидан умр-боқий асарлар ёзишга бағишлаган ҳамда ҳақли равишда жаҳон адабиётининг забардаст намо-янадалари сафидан жой олган буюк форс-тожик сўз санъаткори бўлган шундай азиз зотингиз ўтган умридан кўнгли тўлмаган бўлса, бошқа-лардан нима гўна!

Навоийдек ўзбек адабий тилига асос солган, ўзбек адабиётини бири-бирдан гўзал дурдо-на асарлар билан бойитган забардаст ва сар-машхул шоир ҳам: “Эй Навоий, сендек ёшлик даврини зое этган киши қарилк айёмида юлдуз қаби кўзларидан ёш тўкса-да, сира фойдаси йўқ”, дейди ўзидан қониқмай:

**Эй Навоий, сендек эткан зоеъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум қиди ашқи надомат шони шайб.**

Демак, ўтган умридан қониқмаслик, амалга оширган ишлари-дан кўнгли тўлмаслик туйғулари, армонга айланган орзуларидан афсусланиш ҳислари улуғ Навоийга ҳам бегона эмас.

**Эргаш ОЧМЛОВ,
филология фанлари номзоди.**

Ваҳки ишқинг зоҳир этсам...

**Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.**

**Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгали,
Мен тириг, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.**

**Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр,
Бир-бирдин лек ўзидур жузви лоянфак манга.**

**Кўнгулм ўтидин йиғоқ кулдур, башоқ бир қатра су,
Ногаҳ ул шўхи жифоқеш отса бир новак манга.**

**Олтун эзиниб-эриб қуйган саю холис бўлур,
Не ажаб саргарса юз, эткан саю эмзак манга.**

**Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўк,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.**

**Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлағил май шишасидин сидуруб айнак манга.**

**Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совар,
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтақ манга.**

**Эй Навоий, гар манга кўнпрак эмас уммиди вас,
Бас нагу ушшоқидин жаври эрур кўнпрак манга.**

«Ғаройил ус-сигар» девонидан.

Мажозий ишқ талқинидаги рисолаларга кўра, муҳаббат дастлаб кучли майл шакли ўлароқ вужудга келиб, иккинчи бос-қичда ошқ бу туйғуни инкор этишга киришади. Аммо шамолнинг эсиши кучсиз уқунларни сўндириб, кучли оловларни баттар алан-галатганидек, ҳақиқий муҳаббат инкор этилгани сайин янада қув-ват олиб, кўнглидаги изтироб ва беқарорлик, талпиниш ва иштиёқ оташи ҳаловат уйини барбод қилади. Ошқ шундай бир ҳолатга тушадики, ишқинг изқори ҳам, пинҳон туттиш ҳам унга жон эвази-га амалга ошиши мумкинлиги кўзига яққол намоён бўлади:

**Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.**

Дунёдаги энг буюк сир — Ишқ асрорини дилдан тилга келти-риш мушкулотга рўбарў келган ошқ муаммонинг ечимини топ-гандай: исонофас маҳубба қурбон бўлган ўликларни тирилтириш ниятида ишқ кўйига йўл олади. Халигача муҳаббатини изқор этол-масдан, тириклар сафида юрган ошқ уят ва хижолатдан энди минг ўлимга рози:

**Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгали,
Мен тириг, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.**

“Мен тирик”, дея хижолатда қолган ошқинг аҳволи аслида ўликлардан баттар: ҳижрон тиги жисмини бўлинмас зарра (атом)-ларга бўлиб, майдалаб ташлаган. Фулур даражасидаги бу мубо-лағали тасвир ҳижрон азоби ошқинг жон-жонидан ўтиб, бутун вужудини қамраб олгани, бу дард энди вужуднинг бўлинмас қисмига айланганини ифодалагна хизмат қилган:

**Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-бирдин лек ўзидур жузви лоянфак манга.**

Бундай муболағали тасвир кейинги байтда ҳам қўлланилади: ҳижрон тигининг зарбидан энг майда заррасигача дардга йўғрил-

Бир ғазал шарҳи

ган, бутун вужуди дардга айланган ошқинг кўнглида ишқ ота-ши шунчалик шиддат олганки, агар мабодо маҳубба унга кара-та ўк отгудек бўлса, бу ўқинг чўпи қулга, темирли учи эриб, бир томчи сувга айланади. Қалбдаги ишқ ўти аслии қалбидан, мис-син олтиндан ажратувчи синов оташдир. Шу сабабли, мажнун-шева ошқинг муҳаббат кўйида этган турли машаққатлар асо-ратидан юзининг саргайганини ҳам оловда тобланиб, турли чи-қинди ва гашлардан тозаланган олтинга менгазайди. Ишқ дарди ва балоларига одатланган ошқ энди агар мабодо ўз қошикамони-ни кўриб қолгудек бўлса, ёқасини чок этади. Бу ёқавайронлик фақат ишқ жунунининг галаёнидан нишонга эмас, балки муҳаб-батнинг навабдаги ўқи кўнглини нишонга олганда дунё матоҳи — қўйлак орада тўсиқ бўлмаслиги керак. Навоий бу чиройли ўхшатма орқали ҳақиқий муҳаббат йўлида дунёнинг энг арзима-ган матоҳи ҳам катта ғов бўлиши, ишқ дарди руҳоният оламига дахлдор туйғу эканлигини ифодалаб берган:

**Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўк,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.**

Олдинги байтларда ҳижрон тиги ва ёрнинг “ўк”и ҳақида сўз юритилган бўлса, еттинчи байтда навабдаги аънаъани тинсол-лар — “пири дайр” ва “бода” тинсоллари қўлланилганига ғувоҳ бўламиз. Бу сафар ҳам шоир аънаъа замирида англик яратиш масаласида беназир эканлигини исботлаган. Байтдаги тасвирга

кўра, шаробни қутавериб, шоирнинг кўзлари оқариб кетганлиги сабаб, дайр пиридан май шишасини синдириб, унга кўзойнак ясаб беришни илтимос қилади. Май шишаси рангсиз бўлиб, ичи-даги шаробнинг рангига қараб товланишга ишора қилган ҳолда Навоий дайр пири ясаб берган кўзойнақ туйғули оламдаги нар-саларни қандай бўлса, ўз ҳолича кўриш иштиёқига эканлигини билдиради. Бундан англашмадики, Навоий истаётган бода — олам ва одамнинг асл моҳиятини англашга ёрдам берадиган маърифат бодаси бўлиб, бу бода (маърифат)нинг ранги ва жи-лоси қандай бўлса, шундай кўра оладиган “айнак” — басират кўзи-ни очувчи мадад лозим:

**Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлағил май шишасидин сидуруб айнак манга.**

Басират кўзи очилган ошқ ўзининг ҳақиқий аҳволидан огоҳ бўлиб, фано манзилига юз боради. Аммо бу йўлда унга ягона ҳамроҳ — ҳижрон шамоли. Муҳаббат йўлида фано бўлиш иш-тиёқ лирик қаҳрамонда шунчалик баландки, ҳали фано шамоли эмасдан, ҳижроннинг шамоли ёрдамида борлиқдан хабар бер-увчи вужуднинг хирмони ҳали фанонинг шамоли эмасдан бар-бод бўлишини истайди. Бу ўхшатма орифлар назидида машхур бўлган “муту қабла ан тамуту” (“Ўлмасдан бурун ўлингиз”) ҳади-сининг маъносига далолат қилади:

**Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совар
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтақ манга.**

Фано бўлиш, вужуднинг йўқлик саҳросида губорга айланиб кетиши — худкушлик ёки пессимистик кайфиятнинг тасвири эмас. Фано бўлишлик замирида ҳақиқий боқийликка етишмоқ, ўткинчи нарсалар, қолаверса, ўзликдан воз кечиш орқали ўзликни ан-лаш, алапоқибат, Яратганнинг Ўзини таниш ҳақиқати ётади. Ҳақ йўли — гуллар тўшалган текис ва раво йўл эмас. Бу йўл ҳамшиша туюк ва тўсиқлар, боши берк қўчулар, адаштирувчи қучлар, сабр косасини синдирадиган тошқоқлар, товонга ботган тикнодек ма-дорни сўрадиган хатокорликларга тўла. Аммо қанча шу йўлда машаққат кўпайса, асл манзилга яқин қолганлигига башоратдир. “Балонинг энг улуғи пайғамбарларга, ундан сўнг у зотларга яқин бўлган кишиларга, ундан кейин бошқа одамларга юборилади”, дейилади ҳадиси шарифда. Демак, инсон бошига қанчалик катта бало синов тарқисидида юборилса, унинг мақоми ва мартабаси Ҳақ таоло олдига улук экан. Шундан руҳланиб, Навоий ўз боши-га тушган синовларни руҳбаландлик билан кўтиб олиб, ризо ва шукроналик оҳангидида ғазалга нуқта қўяди:

**Эй Навоий, гар манга кўнпрак эмас уммиди вас,
Бас нагу ушшоқидин жаври эрур кўнпрак манга.**

**Олимжон ДАВЛАТОВ,
навоийшунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 199 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Гезетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзломлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Д. Қаримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.50 Топширилди — 22.45

1 2 3 4 5 6